


## Жинсий яқинликка оид ҳукмлар ва одоблар (ўн еттинчи мақола)



20:02 / 21.09.2020 6133

Исломда ҳаром қилинган жинсий яқинлик қилишнинг яна бир кўриниши бу орқага яқинлик қилишдир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади: **«Сен: Агар пок бўлсалар, уларга Аллоҳ амр қилган жойдан келинг. Албатта, Аллоҳ тавба қилувчиларни севади ва покланувчиларни севади»**, деб айт. **Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаганингизча келинг. Ўзингиз учун (яхшилиқ) тақдим қилинг. Ва Аллоҳга тақво қилинг ҳамда, билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз. Мўминларга башорат бер»**. (Бақара сураси, 222, 223-оятлар).

Ушбу оятлардаги **«уларга Аллоҳ амр қилган жойдан келинг»** жумласидан аёлларнинг фақат олд тарафига, яъни фаржига яқинлик қилиш ҳалол бўлиши ва уларнинг орқасига яқинлик қилиш ҳаром эканлиги маълум бўлади. Шунингдек **«Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаганингизча келинг»** жумласидан аёлларнинг олдига, яъни фаржига яқинлик қилинганда олд тарафдан ҳам, орқа

тарафдан ҳам келиш жоизлиги билинади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Хотинининг орқасига яқинлик қилган одам лаънатлангандир»** деб айтганлар.

*Абу Довуд ривояти.*

Ўз орқасига яқинлик қилинишига йўл қўйиб берган аёллар ҳам ушбу лаънат остига кирадилар.

### **Жинсий яқинликка оид ҳукмлар ва одоблар**

Ислом шахс ва жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида энг тўғри кўрсатмаларни бергани каби эр-хотин орасидаги жинсий яқинликка оид кўрсатмаларни ҳам берган. Ушбу кўрсатмаларни уламоларимиз Қуръон ва Суннатдан олиб биз умматларга баён қилиб берганлар.

Жинсий яқинликка оид ҳукмлар ва одоблар қуйидагилардан иборат:

– Аввало инсон ҳожати бўлмаса яланғоч ҳолатда бўлмаслиги керак. Олдида ҳеч ким бўлмаган тақдирда ҳам у Аллоҳдан ҳаё қилиши лозимдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдида ҳеч ким бўлмаганда яланғоч бўлиш ҳақида сўралганда: **«Аллоҳ ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ ҳаё қилинишга лойиқроқ Зотдир»** деганлар.

*Термизий ривояти.*

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Яланғоч бўлишдан сақланинглари. Зеро қазои-ҳожат ва эр ўз аёлига қўшиладиган вақтдан бошқа вақтларда сизлардан ажралмайдиганлар бор. Улардан ҳаё қилинглари ва икром этинглари»** деганлар.

*Термизий ривояти.*

– Жинсий яқинлик олдидан эр-хотин қуйидаги ҳадисда келган дуони ўқишлари мустаҳабдир: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Бирортангиз ўз аёлига яқинлик қилишни ирода қилганда: «Бисмиллаҳи, Аллоҳумма жаннибнаш шайтона, ва жаннибиш шайтона маа розақтанаа»** деса, ўша қўшилишдан Аллоҳ уларга фарзанд насиб қилган бўлса, ўша фарзандга шайтон ҳеч қачон

**зарар бера олмайди».**

*Бухорий ривояти.*

**Дуонинг маъноси:** Аллоҳнинг номи ила. Аллоҳим биздан ва бизга ато этадиган фарзанддан шайтонни четда қилгин.

- Жинсий яқинлик вақтида эр-хотин ўзлари холи қолишлари, олдиларида ҳеч ким бўлмаслиги шарт. Уларнинг олдиларида фарзандлари ҳам бўлмаслиги ва овозлари эшитилмайдиган бўлиши зарур.

- Бирдан жинсий яқинликка ўтмасдан ўзаро эркалатиш ила даражама-даража киришиб бориш керак.

- Исломда зўрлаш мумкин эмас. Жинсий алоқа вақтида ҳам қўполлик қилиш, тан жароҳати етказиш каби ишлар жоиз эмас.

- Аёл кишини эри тўшакка чақирганда ҳар қандай ҳолатда бўлмасин ижобат этиши лозим. (Рўзадор бўлган ҳолати бундан мустасно, бунда рўзадор эканлигини эслатиб узр сўраб қўяди).

- Аёл ҳам, эр ҳам бир-бирлари учун зийнатланишлари, хушбўйлик ишлатишлари Исломда гўзал саналган амаллардандир.

- Эр-хотин бир-бирларининг жинсий аъзоларига иложи борича қарамасликлари зарур.

- Қайта жинсий алоқага киришишдан олдин таҳорат олиш мақталган ишлардандир.

- Уламолар Исломда «азл» қилиш маълум ҳолатларда жоизлигини айтганлар. «Азл» - эркак ўз уруғлигини аёлининг бачадонидан бошқа ерга тўкишидир.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида «азл» қилар эдик. Буни у кишига етказилганда бизни бу ишдан қайтармаганлар»**

*Имом Бухорий ривояти.*

- Уламолар: «Аёл ҳомиладор бўлган ҳолатида унга жинсий яқинлик қилиш жоиз», деганлар.

– Жинсий алоқадан кейин эр ҳам, аёл ҳам албатта ғусл қилишлари фарздир. Зеро жунуб (жинсий яқинликдан кейин ғусл қилмаган) одамга ғусл қилмагунча намоз ўқиш ва бошқа ибодатларни амалга ошириш мумкин бўлмайди.

– Эр-хотин бир-бирларининг жинсий аъзоларига оғизлари билан тегишлари, ўпишлари жоиз эмас. Бундан бошқа тана қисмларини ўпишнинг ҳечқиси йўқ.

– Эр-хотин бир-бирларининг тўшакдаги сирларини бошқаларга айтмасликлари, бир-бирларининг тана тузилишларини бошқаларга васфламасликлари шартдир.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат кунда Аллоҳ ҳузурида мартаба жиҳатидан одамларнинг энг ёмони аёли билан, аёли у билан яқинлик қилгандан кейин аёлининг сирини ошкора қилиб юрадиган одамдир»** дедилар.

*Имом Муслим ривояти.*

– Исломда ҳаром қилинган ҳайз ва нифос вақтида яқинлик қилиш, орқага яқинлик қилиш, истимно каби ишларни қилиш жоиз эмас. Булар ҳақида юқорида айтиб ўтилди.

***Афзал Аброр таржимаси***